



Савол:

Харом ёки шубхали нарсани, мисол учун, ичида бисмиллахсиз сўйилган гўшт бўлган нарсани, ёки ичида чўчка гўшти бўлиш шубхаси бўлган таом, ипакдан тикилган кийим ва хоказоларни бир исломда бўлмаган кишига беришнинг ҳукми қандай? Чунки уни ташлаб юборса исроф бўлади деб ўйлаяпмиз.

Жавоб:

Сиз зикр қилган ҳадисда Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам Умарга ипакдан килинган кийим берадилар, бундан олдин расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам Умар разияллоҳу анҳуга ипакдан бўлган кийимни охиратда насибаси бўлмаганлар қияди деган эдилар. Шунинг учун Умар ажабланиб сиз менга шундай деб, кейин менга ипакли кийим юборибсиз дейди. Расулуллоҳ мен уни сенга қийгин деб берганим йўқ, (уни сотиб пулини ишлатарсан дедим дейдилар) бу зиёда бошка ривоятда келган. Умар уни Маккадаги укасига бериб юборади. Чунки ипак исломда ҳалол бўлиб факат эркакларгагина ҳаром килинган. Бу ҳадиснинг шарҳига қараладиган бўлса шорихлар турли фикрларни айтганлар: Умар уни укасига сотиб юбориши учун ёки хотинига қийдириши учун бергандир — дейдилар.

Шу ўринда кофирлар исломнинг фаръий масалаларида мухотабмилар ёки йўқ деган савол тугилади? Агар жавоб “ҳа” бўладиган бўлса, уларга ҳам бу нарсалар ҳаром. Агар жавоб “Йўқ” бўладиган бўлса, уларга бу нарсалар бўлаверади. Бирок баъзи нарсалар борки, у кофир одамнинг динида ҳам ҳаром. Масалан тўнгиз гўшти насронийлар динида ҳаром бироқ, улар уни ейдилар. Уларнинг емоклари унинг ҳалоллигига далолат қилмайди. Бу каби нарсаларни иккинчи қавлга



Ислом Нури

кўра ҳам уларгада бериб бўлмайди. Чунки бу нарса нафакат бизнинг шариатда балки уларнинг шариатида ҳам харомдир.

Харом нарсани ташлаб юбориш исроф бўлмайди. Исроф халол нарсаларда бўлади. Бунга бизнинг кучли далилларимиз бор. 1) Арок харом килинганда сахобалар тўккан ароклар мадинанинг кўчаларида тўлиб окди. Агар у исроф бўладиган бўлса эди, атрофда кофирлар бор эди уларга бериб юборилса бўларди. 2) Ахлий(хонаки) эшаклар харом килинганда козон тўла кайнаб турган эшак гўштлари тўкиб юборилган. Буларнинг хар иккиси сахиҳдир.

Биз хадислардан бирор хулоса чиқармокчи бўлсак, бўлиб ҳам халол харомга оид нарсалар бўлса, албатта хадиснинг шарҳига карашимиз ва унинг турли ривоятларини кўришимиз, уламолар бу хадисларни кайси бобларда келтирганларини кўришимиз шарт. Агар хадисни ўкиб ундан хукми ким бўлса чиқариб олаверадиган бўлса овора бўлиб шунча фикх ва шарх китоблари ёзилмаган бўларди.

Сизларга маълум, бизнинг даъватимиз куръон ва суннатга эргашишдир. Бирок бу эргашишни ялангоч холда тушунмаслик керак. “Бу иккисини салаф солих тушунгандек тушуниш ва у иккисига эргашиш”. Мана шу бизнинг даъватимизнинг хакикий маъноси.